

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 18 март, № 57-58 (8119-8120)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, жойларда аҳолини ташвишга солувчи ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш, ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш масалаларида адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулияти сезиларли равишда ошмоқда.

Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини рўйбга чиқариш адлия органлари тизимида маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда.

Давлат хизматларини кўрсатиш ва интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда тизим имкониятларидан оқилона фойдаланиш, ушбу соҳаларда мувофиқлашган фаолиятни таъминлаш ҳамда мавжуд маъмурий тузилмаларнинг яхлит вертикал бошқарувини шакллантириш зарурати юзага келмоқда.

Мамлакатимизда адолат ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, аҳолига профессионал хизмат қиладиган ижам ва самарали бошқарувни яратиш, декларатив хусусиятга эга вазифаларни бекор қилиш, функцияларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш ва тақдорланишларнинг олдини олиш орқали бюджет маблағларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда адлия органларининг роли ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг **Давлат хизматлари агентлиги** ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда **Интеллектуал мулк агентлиги** ва унинг ҳудудий марказларини вазифа, функция ва ваколатларини **Адлия вазирлигига** (кейинги ўринларда — Вазирлик) ўтказган ҳолда **қўшиб олиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлик зиммасига куйидаги қўшимча **вазифалар** юклатилсин:

а) **аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш йўналишида:**

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ортқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига тезкор, қулай ва сифатли давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) **интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш йўналишида:**

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиролар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

3. Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) юридик хизмат кўрсатиш марказлари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари ҳамда ФХДЭ органлари барча ҳуқуқ ва ваколатларини сақлаган ҳолда туман (шаҳар) **адлия бўлимлари тузилмасига ва бўйсунувиغا ўтказилади;**

(Давоми 2-бетда).

## СТАТИСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ

ИШОНЧЛИЛИК, ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ҲАЁТДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Статистик маълумотлар “рақамлаштириш асри” дея таърифланаётган XXI асрнинг энг муҳим базасига айланади. Зеро, бундай ахборотлар дунёдаги қимматбахо ва ишончли манба бўлиб, ривожланиш ва тараққиёт асоси ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар доирасида статистика соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Натижада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда расмий статистик маълумотларни йиғиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва нашр этишининг яхлит тизими шакллантирилди.

### Нуктаи назар

Қайсар рақамлар фақат ростини сўзлайди. Юнон фойласуфи ва математиги Пифагор айтганидек, “Барча нарсани рақамлар кўринишида тасвирлаш мумкин”. Инглиз олими Лорд Кельвин эса “Назария микдоран ўлчамдан бошланади” деган. Шу маънода, инсон фақат рақамларда ўз-ўзини англашга ҳодир, десак, муболага бўлмайди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг асосий статистика маълумотлари ўз ичига 1,4 мингдан зиёд номланиш ёки қарийб 1400 — 1500 статистика

ишларини қамраб олувчи ҳар йили ҳукумат томонидан тасдиқланадиган давлат статистика ишлари дастури орқали шаклланади. Бу жараёнда, аниқроғи, уларни шакллантириш механизмларида Давлат статистика қўмитаси масъулдир. Шунинг учун амалиётга илғор халқаро стандартлар асосида статистика маълумотларини шакллантириш усуллари ва методология асосларини жорий қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги даврни бошлаб берди.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

17 март кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридagi Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди.

Ялпи мажлис иши “O‘zbekiston” ва “Uzreport” телеканаллари, шунингдек, Се-

натнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Дастлаб сенаторлар томонидан Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Хисобот даврида вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатида мувофиқ халқаро майдонда республика манфаатларини илгари суриш, мамлакат ривожланиши учун қулай ташқи шароитларни таъминлаш, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқаро муносабатлар соҳасидаги давлат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича фаолият олиб боргани таъкидланди.

2021 йилда 8 та хорижий ташриф ва 150 га яқин турли олий даражадаги учра-

шувлар, онлайн мулоқотлар ва телефон орқали музокаралар ташкил этилди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани тўғрисида БМТ ва ЕХТ доирасида мамлакатимизнинг 50 дан ортқ халқаро ташаббуслари бўйича 5 та махсус резолюция қабул қилинди.

Муҳокама чоғида Афғонистондаги вазият бўйича Ўзбекистоннинг сиёсати ва ташаббусларига халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳо берилгани алоҳида таъкидланди.

Ўтган 2021 йилда мамлакатимиз ташқи сиёсатида “иқтисодий дипломатия”га устувор аҳамият берилди. Самарадорликни ошириш ва хорижий ҳамкорлар билан юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида дипломатик ваколатхоналар томонидан ҳар бир инвестиция лойиҳаси билан алоҳида иш олиб бориш тизими ташкил этилди. Хорижий мамлакатлар ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга 1100 дан ортқ ташрифлари ташкил этилди.



## Ўзбекистон — Германия: БУЎДҚОРЛИК РУҲИДАГИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Бундан ўттиз йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган эди. Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзланган мақсадларга эришиш учун барча соҳани ривожлантириш борасида Германия асосий ҳамкорларимиздан бирига айланади.

### Биз ва жаҳон

Сўнгги йилларда кузатилаётган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш динамикаси 2019 йилда Берлинда олий даражада бўлиб ўтган учрашувлар давомида эришилган келишувларни амалга оширишга қаратилган биргаликдаги сазъ-ҳаракатларнинг натижасидир.

2021 йил март ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Федераль канцлер Ангела Меркель билан видеоконференция тарзида бўлиб ўтган музокаралари асосида Германия раҳбарияти давлатимиз томонидан олиб борилаётган сазъ-ҳаракатларга юксак баҳо берди. Бу эса янгилаётган Ўзбекистоннинг очик ташқи сиёсати қўллаб-қувватланаётганидан далolat беради. Айниқса, Ўзбекистон-

нинг Марказий Осиёда дўстлик, яхши кўшничлик, ишонч ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашдаги муҳим ўрни алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон — Германия парламентарлари муносабатлари ўрнатилган кундан бошлаб Олий Мажлисида Бундестагнинг 25 дан зиёд расмий делегациялари қабул қилинган. Хусусан, икки мамлакат парламент аъзолари иштирокида қўллаб-тадбирлар ўтказилди ва бугунги кунда ҳам бундай учрашувлар мунтазамлик касб этган.



## ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЗШИГИНИ ОЧМОҚДА

Илгари хабар берилганидек, жорий йил 24 — 26 март кунлари мамлакатимиз пойтахтида биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми (ТХИФ) бўлиб ўтади.

### Дунё нигоҳи

Анжуман стратегик ташаббусларни амалга оширишни муҳокама қилиш ва халқаро бизнес ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини намойиш этиш учун яратилаётган янги майдон бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Олдинда турган форум Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган бозорига интеграция жараёнига қизиқиш билдирган йирик хорижий инвестициявий, молиявий-иқтисодий ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбар ва вакиллари жалб этишга қаратилгани билан катта эътиборга моликдир.

Бугунги кунга қадар маъзур форумда қатнашиш юзасидан дунёнинг 56 мамлакатидан 1,5 мингдан ортқ кишилар, шу жумладан, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари мурожаат қилди.

«Дунё» АА мухбирлари ушбу халқаро тадбирда иштирок этиш мақсадида Ўзбекистонга келишга ҳозирлик кўраётган хорижий мамлакатларнинг айрим вакиллари билан Тошкент форумининг аҳамияти юзасидан суҳбатда бўлди. Куйида улар билдирган фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола этилади.

### Тецуро ЯМАСАКА, Япониянинг «Balcom Co. Ltd» компанияси президенти:

— Бундан 3 йил аввал биз Ўзбекистон кимё саноатида 10 миллион доллар миқдорда сармоя киритдик. Бундан ташқари, Наманган вилоятида ресторан бизнеси йўлга қўйилди. Шунингдек, юртингизда қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳам амалга оширяпмиз.



### Ўрганиш

## ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда маъзур соҳада иш ўринлари яратиш бўйича катта имкониятлар бор. Чунки ушбу соҳада янги иш ўринларини кам харажат билан қисқа муддатда ташкил этса бўлади.

2021 йил 14 декабрь кuni Президентимиз раислигида ўтказилган хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида аҳоли бандлиги, янги иш ўринларини яратиш, фуқаро-

ларни тадбиркорликка йўналтириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ва хунармандчиликни ривожлантириш юзасидан маъсулларга тегишли вазифалар юкляниб, уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш вазифаси қўйилган эди.



